



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «12» декабрь

№ ПҚ-440

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни автобензин маҳсулотлари билан ўзлуксиз таъминлаш ва уларнинг нархлари кескин ошишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг **2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар** импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан яқуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун, истисно тариқасида, **акциз солиғини “ноль” ставкада қўллаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. **2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 апрелга қадар** Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга рухсат берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича **автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-тарожликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш**, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5031-сон қарори 1-бандининг “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.Т.Мирзамаҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «12» декабры

№ПП-440

О мерах по бесперебойному обеспечению потребителей автобензином в осенне-зимний период и предотвращению резкого повышения его цен

В целях своевременного обеспечения в осенне-зимний период нужд потребителей в автобензине, стабилизации его цен и сокращения излишних расходов населения:

1. Согласиться с предложением Министерства энергетики, Министерства экономического развития и сокращения бедности, Министерства финансов и Антимонопольного комитета о применении с **10 декабря 2022 года по 1 марта 2023 года** в порядке исключения **нулевой ставки акцизного налога** к автобензину марки АИ-80, импортируемому, производимому отечественными предприятиями и реализуемому субъектами предпринимательства конечным потребителям.

2. Разрешить с **10 декабря 2022 года по 1 апреля 2023 года** Инспекции по контролю за использованием нефтепродуктов и газа, а также Инспекции по контролю в электроэнергетике при Министерстве энергетики, в порядке исключения, проводить проверки субъектов предпринимательства по фактам незаконного и неэффективного использования энергоресурсов без вмешательства в их финансово-экономическую деятельность, без согласования с Уполномоченным по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства при Президенте Республики Узбекистан.

Инспекции по контролю за использованием нефтепродуктов и газа, а также Инспекции по контролю в электроэнергетике по итогам проводимых проверок вносить в правоохранительные органы представления

по применению мер наказания, установленных актами законодательства, в отношении должностных лиц, допустивших излишние потери и хищение автобензина, а также даче правовой оценки их деятельности.

3. Подпункт «в» пункта 1 постановления Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2021 года № ПП–5031 «О мерах по дальнейшему внедрению рыночных механизмов в процессы реализации высоколиквидных и монопольных товаров» признать утратившим силу.

4. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Мирзамахмудова Ж.Т.

Президент
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент